ДАВР

## БЕШАРИҚ ПЛЁНКАСИ

**_Бешариқ туманида фойдаланишга топширилган янги корхона қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган плёнка маҳсулотлари тайёрлаб беради._**

Хитойдан келтирилган замонавий ишлаб чиқариш жиҳозлари бир кеча-кундузда 4 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Янги корхона ишга тушгач, тумандаги 30 нафар ёшлар иш ўрнига эга бўлди.

Вилоятдаги 127 та жамоа ва ширкат хўжаликлари муассислигида ташкил этилган мазкур корхона нафақат пахтакор хўжаликлар, балки бошқа мижозларнинг талаб ва истакларига биноан ҳам зарур қалинлик ва ўлчамдаги плёнкаларни тайёрлаб беради.

- Жорий йилнинг ўзида вилоятимизда плёнка остига пахта экиш учун зарур бўлган 1 минг 200 тонна плёнканинг 400 тоннаси шу ерда ишлаб чиқарилади, - дейди корхона раҳбари Х.Исмоилов. - Қолган қисми қўшни Андижон ва Жиззах вилоятларидаги турдош корхоналардан келтирилади.

Янги корхона имкониятлари фақат плёнка ишлаб чиқариш билан чекланмайди. Бу ерда полиэтилен сув қувурлари тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Ҳозир ҳар сменада 800 метр ана шундай қувур ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқариш тармоғининг ўзига хос хусусияти шундаки, фойдаланиб бўлинган, яроқсиз плёнка қолдиқлари бу ерда қайта ишланиб, яна керакли маҳсулотга айлантирилади.

## МАҲСУЛДОРЛИК ОРТМОҚДА, АММО...

**_«Фарғона наслли парранда» ҳиссадорлик жамиятида товуқларнинг «Белорус-9» зотини кўпайтириш йўлга қўйилди._**

Ушбу зотдор паррандалар мамлакатимиз иқлим шароитига мослиги, юқори маҳсулдорлиги ва кам озуқа талаб қилиши билан ажралиб туради. Белоруссиядаги ҳудудий тажриба-синаш станциясидан олиб келинган товуқлар йилига 285 тадан зиёд тухум беради.

- Фабрикамизда сермаҳсул, зотдор паррандалар парваришига алоҳида эътибор қаратилмоқда, - дейди бош зоотехник Валижон Раҳимов. - Шу мақсадда хорижлик ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Ўтган йили Белоруссиядан 700 мингта «Заславиль-3» жўжаларини келтирган эдик. Яқин кунларда улардан маҳсулот ола бошлаймиз.

Ўтган йил давомида жамият паррандабоқарлари бошқа фабрикаларга 3 миллион 934 минг дона тухум етказиб берди. 323 минг донаси шу ернинг ўзида жўжа олиш учун қолдирилди. Беш миллиондан ортиқ тухум савдо тармоқларига жўнатилди. Ялпи маҳсулот ҳажми 10 миллион 181 минг донадан ошиб кетди. Йиллик соф фойда 113 миллион сўмни ташкил этди.

Тармоқдаги кўплаб турдош корхоналар амал-тақал қилиб кун кўраётган бир пайтда мулкчиликнинг янги шаклида иш юритаётган жамоанинг ютуқлари қувонарли, албатта. Аммо иш бор ерда муаммо бор, деганларидек «Фарғона наслли парранда» жамоасининг ҳам ўзига яраша ташвишлари бор.

Жамият мутахасислари таъкидлашича, паррандачилик ривожига тўғаноқ бўлаётган озуқа муаммоси иш кўлами ва сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Тармоқни озуқа билан таъминлаши лозим бўлган донни қайта ишлаш корхоналаридан олинаётган маҳсулотлар сифатсиз, паррандалар учун зарур бўлган озуқа бирлиги етишмайди. Бу эса товуқлар маҳсулдорлигига кескин таъсир кўрсатмоқда. Ем етказиб беришга ихтисослашган мутасадди корхоналар раҳбарларини эса масаланинг бу жиҳатлари умуман қизиқтирмай қўйган. Охир-оқибат озуқа борасидаги камчиликларни бартараф қилиш учун ҳиссадорлик жамияти аҳолидан макка дони сотиб олишга мажбур бўляпти. Бундай ортиқча сарф-харажат, табиийки, маҳсулот таннархини ошириб юбормоқда.

**(ЎзА)**

## КОРХОНА МАҲСУЛОТИ - ЭКСПОРТГА



**"Кабул-Ўзбек Ко." Ўзбекистон ва Жанубий Корея ип-йигирув қўшма корхонасида икки ярим минг ўзбекистонлик йигит-қизлар меҳнат қилишмоқда. Корхона ўз маҳсулотини дунёнинг 15 мамлакатига экспорт қилмоқда. Шу йилдан бошлаб яна уч мамлакатга маҳсулот жўнатила бошлайди.**

**СУРАТДА: илғор йигирувчи Дилдора Содиқова.**

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ олган сурат.

ЯХШИ ХАБАР

## МЕВАСИ ЮРТГА ТАТИСИН

**_Термиз мардлар шаҳри. Бу бобо тарих берган ном. Шаҳар бу йил ўзининг 2500 йиллигини нишонлайди._**

Шу муносабат билан вилоятда "Термизнинг 2500 йиллиги" номли янги хўжалик ташкил этилди. Анжир – жаннатдан чиққан азиз ва шифобахш дарахт. Биринчи кун 2 гектар ерга анжир ниҳоли ўтқазилди. Янги жамоанинг очилиши тантанага айланди. "Товонидан ўт чақнаган" раҳбарлардан тортиб юз билан юзлашган оқсоқолларгача жам бўлишди. Улуғлар "Термиз шаҳри каби бу хўжаликнинг ҳам умри узоқ бўлсин, қадри тоққа тенглашсин, боғининг меваси Ўзбекистонга татисин!" деб дуо қилдилар. Ниҳол экиш ҳамиша савоб. Илк кўчатни ерга Тошболта хожи Чориев қадади.

"Термизнинг 2500 йиллиги" – боғу бўстон хўжалик бўлади. У бу йил етти иқлим меҳмонларини кутиб олади.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## "АМЕРИ КЕЕРС" ТОШКЕНТДА

**_Ўтган куни табиий офатлар асоратларини енгиллатиш бўйича Америка "Амери Кеерс" халқаро агентлигининг тайёраси Тошкент аэропортига қўнди._**

У АҚШдан 3,5 миллион долларлик тиббий дори-дармонлар ва турли хил муолажа ашёлари келтирди. Инсонпарварлик юклари ортилган тайёрани АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Э.Хёрбст ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Фируз Назиров, шунингдек, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шуни айтиш керакки, "Амери Кеерс" мазкур галги хайрияси билан Ўзбекистонга бешинчи марта ёрдам кўрсатди. Кўмак маблағларининг ҳаммаси деярли 19 миллион долларга тенг бўлди. "Амери Кеерс" республикамизнинг нодавлат "Соғлом авлод учун" жамғармаси билан тиғиз ҳамкорлик қилмоқда. Уммон ортидан юборилган хайрия жиҳозлари тез кунларда мамлакатимизнинг турли минтақаларидаги муҳтож кишиларга етказиб берилади.

## ГУЖАРАТНИНГ МАШЪУМ САДОСИ

**_Яқинда Ҳиндистоннинг Гужарат штатида кучли зилзила юз берганлиги дунёдаги кўпгина мамлакатларни сергаклантириб қўйди._**

Ер қимирлаш кучи Рихтер ўлчови бўйича 6,9 баллга етган эди. Силкинишлар ҳамон тингани йўқ. Уларнинг сони 250 мартадан ошиб кетди. Ҳозирги маълумотларга қараганда, қурбон бўлганлар сони 20 минг кишидан ошди. 50 мингдан ортиқ киши турли даражаларда тан жароҳати олди. Юз минглаб фуқаролар эса бошпанасиз қолди. Вайроналар остида қанча одам ётганлиги ҳамон номаълум бўлиб турибди.

Мана шундай бир шароитда қатор мамлакатлар ёрдамга шошилдилар. Жумладан, Хитой ҳукумати Ҳиндистон раҳбариятига мактуб йўллаб, зилзила муносабати билан ҳамдардлик билдирди. Хитой табиий офат талофатларини тезроқ бартараф этиш учун Ҳиндистонга 5 миллион юан ажратади ҳамда қутқарув гуруҳини жўнатади, деди расмий Пекин вакили.

Ўз навбатида Ҳиндистон ҳукумати Жаҳон банки ҳамда Осиё Тараққиёт банкидан зилзила оқибатларини тезроқ тугатиш учун 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида қарз ажратишни сўрамоқчи бўлиб турибди. Молия вазири Яшвант Сингх ана шуни маълум қилди. Унинг айтишича, бош вазир Атал Бихари Важпаи ҳукумат вакиллари билан ўтказган мажлисда шундай қарорга келинган.

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИДАН СЎНГ

**_Филиппинда давлат раҳбари ўзгарганидан сўнг яна бир диққатга сазовор воқеа юз берди._**

Катта мартабали арбоблардан бири – мудофаа вазири Орландо Меркадо истеъфога чиқди. Матбуот анжуманида у истеъфога мамлакат президенти Глория Арройонинг давлат хавфсизлик кенгаши раиси лавозимига Лисандро Абадияни тайинлаш тўғрисидаги қарори сабаб бўлганлигини айтди. Давлат раҳбари ҳозирча мудофаа вазирининг аризасига жавоб қайтаргани йўқ.

**(Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида сиёсий шарҳловчи Р.УМАРОВ тайёрлади).**

САНОАТ - ҚИШЛОҚҚА

## ҒОЙБУГА ҒОЙИБДАН КЕЛМАЙДИ

**_Хоразмдаги Ғойбу қишлоғида – тадбиркор инсонлар кўп._**

Улар бир бўйра ҳажмичалик ерда резавор экинлар ўстириб, ундан оиланинг эҳтиёжини қоплар даражада ҳосил ва даромад олишади. Урганч шаҳрининг биқинидаги мазкур қишлоқ аҳли ҳалол меҳнат эвазига даласидан йилига бир эмас, бир неча бор ҳосил йиғиштириб олади.

Ғойбулик тадбиркорлар эндиликда сабзавотчилик билан бир қаторда, етти хазинанинг бири – чорвачиликка ҳам меҳр боғлашмоқда. Яқинда ишга туширилган сутни қайта ишлаш корхонаси ана шу интилиш ва омилкорликнинг яққол ифодасидир. Қишлоқ ишбилармонлари корхонани Исроилда ишлаб чиқарилган замонавий технология билан жиҳозлашди. Бу ерда кунига икки тонна сут қайта ишланади. Ундан 8 хилдаги турли неъматлар тайёрланмоқда.

Гурлан туманининг "Гулистон" ширкат хўжалигида ҳам янги сут заводи қурилиб, фойдаланишга туширилди. Бу эса ўз ўрнида сутни 70-80 чақирим наридаги корхонага элтиш ва у ердан тайёр маҳсулот ташиб келтиришдек, серҳаражат ва серташвиш юмушга тўла барҳам берди.

Ҳозир Хоразм воҳаси қишлоқларида ана шундай кичик ва йирик корхоналар сони 10 дан ортди. Ҳа, ҳеч нарса ғойибдан келмайди. Уни ишлаган топади.

**А.СОБИРОВ**

## САРИЖАЛДА ҚИШЛОВ

**(Боши 1-бетда)**

-Ҳар ҳафтада, - дейди оға, - икки-уч марта сурувни ҳайдаб яйловга чиқмасам, уйқум келмайди. Қанийди энди ёшарсаму мустақил давлатимизга кўпдан кўп маҳсулот топширсам.

Аҳмед оға анча узоқлашган сурувга "қурр-ей, қурр-ей!" – деб овоз бериб, яна сўзини давом эттирди:

-Собиқ шўролар тузуми даврида сон орқасидан қувиб, қоракўл тери сифатини йўқотдик. Қўйларимизнинг жуссаси ҳам майдалашиб кетди. Ҳар кунги текшир-текширдан бош гаранг эди. Тавба, чўпон меҳнатининг ўзи азоб эди-ю, яна унинг жонини ҳалак қилишарди. Оллоҳга беҳисоб шукрлар бўлсинки, ҳуррият чўпоннинг эркини берди, қанча кўп маҳсулот топширсанг, шунча кўп даромад оласан. Бу бизнинг тушимизга ҳам кирмаганди. Чўпонлар ҳукуматнинг бу ғамхўрлигидан беҳад мамнунлар.

Бугун "Конимех" ширкат хўжалиги яйловларида 36 минг бошдан зиёд қўй-қўзи парвариш этиляпти.

- Бунинг, - дейди бош зоотехник Аскар Калменов, - 24 минг бошини совлиқлар ташкил этади. Якунланган йилда 22,5 минг бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 112,2 тадан қўзи олишга муваффақ бўлдик. Туёқ сонини кўпайтириш учун 16200 бош қўйни парваришлаяпмиз. Бунинг 9668 боши урғочи қўзилардир.

Қизилқум кенгликларида ҳозир қишнинг айни аёзли кунлари ҳукмронлик қиляпти. Ёмғирли, туманли, қировли дамлар билимдон чорвадорларни шошилтира олаётгани йўқ. Чунки тадбиркор чорвадорлар қишқировли кунлар учун қўй бошига 123 килограммдан хашак жамғариб қўйишганди.

Биз чўпон-чўлиқларни иссиқ кийим билан таъминлаш масаласи билан ҳам қизиқдик.

-Сарижалда, - дейди Аскар Калменов, - тикувчилик цехи очганмиз. Пахтали шим, сирма, телпак тикиб, 71 отардаги чўпон-чўлиқларга тарқатдик. Бунга кетган харажат етти юз минг сўмдан ошди.

Ширкатда ишлаб чиқарилган 9039 дона қоракўл терининг ҳар биттаси 3089 сўмдан сотилди. Юқори навли деб топилган қоракўл терилар нархи ўртача 4314 сўмни ташкил этди. Хўжалик хазинасини бойитиш учун ўстиришга қолдирилган эркак қўзиларнинг ҳар бири 9-10 минг сўмдан сотилди.

Сарижал кенгликларида қиш муваффақиятли ўтаяпти. Конимехлик мард чорвадорлар ғалвир сувдан кўтариладиган кўкламги қўзилатиш мавсумини намунали кутиб олиш мақсадида билим ва тажрибаларини ишга солмоқдалар.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## НАФАСИ ЎЗГАЧА ЎЗБЕК ЮРТИНИНГ

**_Бугун эришган ютуқларимизнинг барчаси истиқлол туфайли, дея сўз юритсак, айримларимиз учун бу баландпарвоздек туюлади. Лекин,эътибор берсак, эрк отлиғ неъмат бизга насиб қилмаганда, жаҳон майдонига ўз овозимиз билан чиқмас эдик._**



СИЙРАТ

Дунёнинг бошқа бир қитъасига бориб, у ерда таълим олишни-ку, айтмаса ҳам бўлади. Ҳозир юзлаб ёшларимиз ривожланган мамлакатларда таҳсил олмоқдалар. Айни дамда юртимизда ҳам юзлаб чет эл фуқаролари билим ва тажриба алмашинув жараёнида фаолият юритмоқдалар. Ана шундай инсонлардан бири, танишинг, Киф Баумвольд. У Америка Қўшма Штатларининг Жоржия штатининг Атланта шаҳрида таваллуд топган. Жоржия штати университетини тамомлаб, 1999 йилнинг август ойида Тинчлик корпуси шартномасига кўра Ўзбекистонга ташриф буюрган. Салкам икки йилдан буён Мирзаобод тумани Наврўз қўрғонида инглиз тили ва ижтимоий фанларга йўналтирилган мактаб-интернатда дарс бериб келмоқда.

**-Киф, ҳадемай шартнома муддати тугаб, августда Америкага қайтиб кетар экансиз. Оз эмас, кўп эмас, икки йиллик муддат сизда Ўзбекистон ҳақида қандай таассурот уйғотди?**

-Очиғи, талабалик кезларимда МДҲ давлатлари тарихини, уларга доир маълумотларни ўрганиш жараёнида китоблардан фақат Москваю Ленинград шаҳарларидан бошқасини топа олмасдим. Тинчлик корпуси сафида Ўрта Осиёдаги давлатлардан Ўзбекистонга борасан, дейишганда, аввало бироз ҳайиқдим. Ахир, мен бу мамлакат ўтмиши, бугуни ҳақида ҳеч нарса билмайман-ку, дея чўчирдим. Энди эса беҳуда хаёлларга борган эканман, деб куламан. Тилёғламалик эмас, рости, Ўзбекистонни, ўзбекларни яхши кўриб қолдим. Менга сизнинг урф-одатларингизу турмуш тарзингиз – барча-барчаси жозибали туюлади. Масалан, оддий... чой қуйишда уч марта қайтарилар экан. Ёки эркаклар саломлашганда икки қўли билан кўришаркан. Ё чақалоқнинг бежирим бешикларда ётиши, халқ оғзаки ижоди анъаналарингизнинг бойлиги... Биласизми, булар жуда гўзал нарсалар. Бу гўзалликларнинг зинҳор йўқолиб кетишига йўл қўймасликларингиз шарт.

**-Ўзбек табиатини қандай баҳолайсиз?**

-Болажон, андишали, меҳрибон. Ёшлар, айниқса, қизларида бироз тортинчоқлик бор. Лекин, беш қўл баравар бўлмаганидек, айрим ўзбекларда мен кўрган ғалати "хислатлар" ҳам йўқ эмасга ўхшайди.

Бир куни майиз олгани бозорчага чиқдим. Савдо растасида 300 сўм деб ёзиб қўйибди. "Бир кило беринг", - десам, эллик ёшлар чамасидаги аёл - "Сенда доллар кўп, бир килосига беш минг сўм берасан", - деб туриб олди. Унча пулим йўқлигини ишора билан тушунтирсам ҳам, менга майиз сотмади. Яна бир мисол. Жуда кўп бор Тошкентга, турли семинар-йиғилишлар сабаб бориб қоламан. Кўп вақтим йўлда ўтади. Йўлда турган ДАН ходимларидан айримларининг ҳайдовчидан пул талаб қилиши менга ғайритабиий туюлди.

Менимча, бундай иллатлар ҳар қандай жамиятда топилади. Аммо, буларни мен меҳрим тушган ўзбекларга раво кўрмасдим.

**-Америка ва ўзбек ёшлари ўртасидаги тафовут, сизнинг-ча, нималарда кўринади?**

-Кўпчилик тафовутни муҳитдан излашади. Афсуски, кузатишларимча, юртингизда аксарият қишлоқ мактабларида ҳали болалар компьютерни яхши билишмас экан! Тўғри, ҳозир америкалик бола учун компьютердан истаганча фойдаланиш имкони бор. Сизларда энди-энди бу йўлга қадам қўйиляпти. Лекин, муҳими бу эмас! Сиз – ўзбек ёшлари аждодларингиздан қолган жуда кўп меросга эгасиз. Инсоний туйғуларнинг, меҳр-муҳаббат, шафқат ҳисларининг қадрият сифатида улуғланиши сизлар учун бахт. Албатта, Америка ёшларида ҳам бу жиҳат йўқ эмас. Лекин, якка шахсга асосланган Ғарб демократияси таъсирида уларнинг аксарияти худбинликка кўникиб кетишган. Бундан фарқли равишда ўзбек ёшларида умидга, ёруғ келажакка интилиш, машаққатли меҳнатларга бардош бериш кучли экан.

**-Киф, очиғини айтинг, қийналган пайтларингизда афсус ҳам қилганмисиз? Айтмоқчи бўлганим, сиз ҳозир истиқомат қилаётган қишлоқда мавжуд шарт-шароитлар у қадар яхши эмас кўринади.**

-Америкада яшаётган ота-онам ва икки синглимни соғинсамгина, юртимга кетгим келади, холос. Тўғри, бу ерда мен учун яшаш осонликча кечаётгани йўқ. Сиз – ўзбекларда яхши мақол бор экан "Уйинг тор бўлса ҳам, кўнглинг кенг бўлсин" деган. Худди шундай, бу юрт эгаларининг меҳр, ҳавас тўла кўзлари, илиқ муносабатлари баъзан учраган муаммоларни ечишимга, заҳматларни писанд қилмаслигимга ёрдам беради.

**-Бўш пайтларингизда нима қиласиз? Бу ерда дам олиш масканлари, ҳатто, спорт мажмуалари ҳам йўқ...**

-Ўзбек тилини ўрганаман. Шу пайтга қадар бу тилни яхши ўрганолмай қийналяпман, чунки, одамлар билан мулоқотда кўпинча турфа шеваларга дуч келяпман. Лекин, албатта, шу юрт, шу миллат ҳаққи-ҳурмати, мен ўзбек тилида вақти келиб, ўз тилимдек равон сўзлайман. Баъзан тушунмасам ҳам, телеэкранларда берилаётган ўзбек фильмларини томоша қиламан "Чархпалак"-ни икки марта маза қилиб кўрдим. Бундан ташқари "Хўжа", Юлдуз Усмонова қўшиқларини тинглайман.

**-Сир бўлмаса, режаларингиз?**

-Агар рухсат беришса, Ўзбекистонда яна уч-тўрт йил ишлаш ниятидаман. Чунки,бу юртдан кетгим келмай қолди, гарчи Она-Ватаним Америка бўлса-да...

**-Самимий суҳбатингиз учун раҳмат!**

**Суҳбатдош: Фарида МАҲКАМОВА.**

**Т.Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки 2001 йил 9 феврадан бошланадиган ажойиб томошаларга Сизларни таклиф этади.**

_Тошкент циркида биринчи марта Халқ артисти Олег Попов мактаби масхарабозларининг ўргатилган ҳайвонлар иштирокидаги кулги томошалари намойиш этилади. Ранг-баранг мавзулардан тузилган дастур 2 бўлимдан иборат._

**Кўнгилочар кулги томошаларига марҳамат қилинг!**

**Томошаларга жума куни соат 18 00 да, шанба ва якшанба кунлари 12 00, 15 00, 18 00 да ташриф буюришингиз мумкин.**

**Чипталар ҳар куни соат 9 дан бошлаб Тошкент Давлат Цирки биносида сотилади.**



# ШОҲСУПАДАН БАЛАНД ҒУРУРЛАР

(Боши 1-бетда)
(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

## БИТТА ТУХУМНИНГ ЎРНИ

Тошкентда ўтказилган жаҳон чемпионати олдидан Акобир Қурбонов анча "озди". Кераkли вазндан ҳам 35 грамм тушди. Битта тухум сиғадиган жой қолди, холос. Собир Қурбон эрталаб ўғлига ҳам тухум ичириб, фотиҳа берди: "Юзимни ёруғ қил, болам. Сени бутун юрт кўраяпти".

Акобир чаққон курашди. Кетма-кет зафар қучаверди. У финалда Маҳтумқули Маҳмудовни аниқ тасаввур қиларди. Шундай бўлди ҳам. Сурхон аламидан кейин тақдир уни тезгина яна эски рақибига рўбарў қилаётганидан хурсанд эди Акобир. Мавриди келди. Кураш тўғридан-тўғри телевизор орқали элга намойиш қилинмоқда.

Ҳеч бўлмаса, бир бор жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилиб юрган тажрибали полвонни Акобир бу ниятга қўша-қўша эришган бўлса-да, кураш майдонидан бошини ҳам қилиб чиқарди. Икки тўлқин курашса зўри қайтаради-да. Акобир ўз вазнида ҳали-бери жой бўшамаслигини элга аниқ-тиниқ қилиб айтди.

Офарин!

## ТАВОҚНИНГ "ОТ"ИГА ЧИҚАДИГАН ПОЛВОН

Истеъдодли полвон Хайрулла Насуллаев отни яхши кўради. Нуқул тавоқнинг "от"ига чиқади. От йигитнинг қаноти дейди у.

-Қанот жуфт бўлади. Сизнинг "қанот"ларингиз бир сурув бўлди-ку, дейди баъзилар ҳазиллашиб.

-Қанот фақат учишга эмас, тушишга ҳам керак бўлади, дейди полвон "кексайган" кунларга ишора қилиб.

-Бировнинг қанотидан қанот бўладими?

## УНДАН МАҒЛУБ БЎЛГАНЛАР "АЗА" ТУТМАЙДИ

Республикамиз полвонлари ўртасида биринчи бор "Ўзбекистон ифтихори" унвони соҳиби бўлган машҳур полвон, жаҳон чемпиони Шуҳрат Хўжаевнинг чеҳраси ниҳоятда самимий. Қорагина мўйлови ўзига ярашган. Шуҳратнинг курашларини кузатиб, шундай хулосага келдим. У гиламнинг устидаёқ ҳам каттариб, ҳам кичрая билади. Ақл билан қилади ҳаммасини. Унга кўпинча ақли асқотади. Рақибининг заиф жойини топдими, тамом – ўрайди, қисади, сиқади.

Жонингизга оғриқ ботади. Э, бор-эй, дейсиз-да, кейин. У кўпинча пешонасида битта тер кўрсатмай, гиламдан ғолиб бўлиб чиқади. Яна ўша самимият, яна ўша хуш чеҳра билан. Ундан мағлуб бўлганлар ҳам "аза" тутмайди. Шуҳрат Хўжаевнинг ёқасини тутишнинг ўзи осон иш эмас.

## ҚАНДИНИ УРСИН

Тошкентда ўтган чемпионатнинг очилиш маросимидан сўнг "Юнусобод"да айнан 90 килограмм вазнлилар мусобақаларни бошлаб беришганди. Ўттизга яқин давлат курашчилари иштирокида ўтган биринчи давра ҳақиқатан муросасиз тарзда кечди. Муҳташам спорт саройини тўлдириб ўтирган ишқибозларнинг олқишу қарсаклари полвонларга завқ, чемпионатга эса ўзгача бир кўтаринкилик бахш этарди.

Қашқадарёлик Баҳром Авазов, Эрон паҳлавони Али Чаманпони ярим финал баҳсида иштирок этишдан маҳрум этилган бўлса, яна бир юртдошимиз Камол полвон голландиялик Роб жанобларига шундай "маслаҳат" берди. Кейинги икки жуфтлик Армен Багдасаров ва Флореско, Фастов ва Шуҳрат Хўжаев учрашуви эса кураш ватани Ўзбекистон эканлигини рўй-рост исботлади. Тўртови ҳам зўр, бироқ, чемпионлик бир кишига насиб этиши тайин. Шу ҳақиқатни яхши билган полвонлар майдонда чунонам олишдиларки, гўё бу курашнинг санъат даражасидаги намойиши эди. Ана сизга туячил, ошириб ташлаш, ички илдирма чил... Баҳром полвон ичига армон оралади. Шуҳрат ҳам тушиб кетди. Финал эса Камол ва Арменлар ўртасида кечадиган бўлди... Камол Муродов жаҳон чемпионлигини ҳалол қилиб олди. Қандини урсин!

**Дилмурод ЖАББОРОВ**

(Давоми бор)

## ДЕҲҚОН ШАВҚИ

(Биринчи қор ёққанда)

**Оппоқ қорим - олча гулим,**
**Туш эдинг.**
**Ўйнаб ёғиб, яйрат дилим,**
**хуш келдинг.**

**Сен ўзингсан оби ҳаёт дояси**
**Кут-барака, тўкинчилик мояси.**
**Оппоқ ният бўлиб ястан даламга,**
**Қувонч улаш невараму боламга.**

**Оқ бағрингда аллалагин баҳорни,**
**Гулга бурка Наврўз ила дийдорни.**
**Шудгоримга парқу пўстин хуш келдинг,**
**Соғинтирган асл дўстим хуш келдинг.**

**Абдусалом УМАРОВ**



**Бўка тумани халқ таълими бўлимига қарашли Ш.Оқбўтаева раҳбарлигидаги мактабгача бўлган тарбия муассасасида 34 нафар кичкинтойлар тарбияланмоқда. Таълим маскани бошдан-оёқ замонавий ўқув жиҳозлари, компьютерлар билан таъминланган.**

**СУРАТДА: кичкинтойлар компьютер машғулотида.**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

# СПОРТ ОЛАМИДА

## АФСУСГА ЎРИН ҚОЛМАЙДИ

***Футбол бўйича Ҳиндистонда бўлиб ўтаётган "Миллениум" Халқаро турнирида бизнинг Олимпия ёшлар терма жамоамиз ҳам ҳар қалай ёмон ўйинлар кўрсатишмаётган эди.***

Япония, Бангладеш жамоалари билан бўлган учрашувларда бор маҳоратларини ишқибозларга намойиш эта олган ҳамюртларимиз, афсуски, сўнгги учрашувда турнир етакчиси ҳисобланган Чили жамоасига 0-2 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

Бироқ, улар: "Ҳали ҳаммаси олдинда, бу турнир терма жамоа учун бир мактаб бўлди, холос", - дейишмоқда.

## ЭНГ ЮҚОРИ БАҲО

***Италиянинг "Интер" футбол жамоаси янги ўйинчилар сотиб олиш бўйича "ҳужумкор"ликни авж олдириб юборди. Маълумотларга қараганда, жамоа яқинда уругвайлик Антонио Пачеко билан тўрт ярим йиллик шартномани имзолади.***

Шартномага биноан, Пачекога 4,74 миллион АҚШ доллари миқдорида ҳақ тўланади. Аммо, ўйинчининг бу тўғридаги баъзи талаблари 2002 йилда яна кўриб чиқилиши мумкин.

Бундан ташқари, миланликлар яна бир уругвайлик ҳужумчи – Альваро Рекоба билан ҳам шартнома муддатини узайтиришди. У энди 2006 йилга қадар "Интер" таркибида тўп суради.

"Рекоба энди ҳар йили 7 миллион АҚШ доллари атрофида маош олади", - деб хабар беради "Гадзетто делло спорт" газетаси, - бу дегани, у дунёда энг кўп маош оладиган футболчига айланади.

## ЁШЛАР "ХИМИК"НИ ТАРК ЭТМОҚДА

***"Ўз даврида Россия хоккейнинг ватани эди, - дейди кўзга кўринган мураббийлардан бири Николай Эпштейн, - биз ҳеч қандай чет эл мусобақаларисиз ҳам юртда ажойиб хоккей мактабини ярата олганмиз".***

Ҳақиқатан, сўнгги пайтларда Россия хоккейи анчагина оқсамоқда. Ҳатто, олий лига мусобақалари бутунлай йўқ бўлиб кетишига сал қолди.

Ҳозирги кунда мамлакатнинг кўзга кўринган "Химик" жамоасида фақат собиқ ўйинчилар, яъни ветеранларгина шуғулланишмоқда. Ёшларни эса сира жалб қилиб бўлмаяпти. Сабаби, иқтисодий тақчиллик бўлиб, ҳақиқий ўйин учун етарлича ҳақ тўлашга кафолатнинг йўқлигидир.

## КАСПАРОВНИ ЕНГИБ БЎЛМАЙДИМИ?

***Голландиянинг Вейк-ан-зе шаҳрида ниҳоясига етган Халқаро шохмот турнирига шохмот оламининг порлоқ юлдузларидан бири – Гарри Каспаров ана шундай ишончли, қатъий сўзлар билан ташриф буюрганди.***

Шундай бўлди ҳам. Гарчи В.Крамник, В.Ананд, А.Шировдек рақибларнинг даъвогарликлари "оламни бузса-да", омад, барибир, Каспаровга кулиб боқди. У турнирда 9 очко тўплаб, қаторасига учинчи йил ғалаба қилиб, шоҳсупа тўрини ҳеч кимга бермади.

## ҒИЛДИРАКЛАР АЙЛАНАВЕРАДИ

***Велоспорт қизиқарли, шунга қарамай, ўта оғир ва мушкул ўйин. Велосипедни яшин тезлигида бошқариб, тезроқ манзилга етиб олиш учун бир дунё матонат керак.***

Россиялик Вячеслав Екимов эса ана шундай матонат эгаларидан бири. У сўнгги олимпиада ўйинларида олтин медални қўлга киритганда мухлислари, ҳатто, муносиб табрик учун сўз тополмай, ҳалак бўлган эдилар.

Яқинда "Итера" компанияси залида Екимов ҳамда унинг сафдошларидан бир гуруҳи – В.Капитонов, А.Кузнецов, З.Забирова, А.Гусятниковлар "ўтган асрнинг энг кучли велопойгачилари" деб эълон қилинди. Бу, албатта, юлдузлар сафининг янада кенгая бориши учун яна бир кафолат, демакдир.

**(Оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди).**

# МАЪМУРЖОН ҲОФИЗДАН ОЛҚИШ ОЛГАНДИ

**(Боши 1-бетда)**

Улар йигитчани тўхтатиб, қайта-қайта ашула айттириб кўришди-да: "Бу бола бизнинг йўлимизни жуда яхши ўзлаштирибди, келажакда албатта ҳофиз бўлади,"- дея елкасига қоқиб қўйишди. Бу табаррук олқишу юксак ишонч ёшгина ҳавасманд йигитнинг қалбига санъатга кучли муҳаббат руҳини олиб кирди.

Йиллар ўтиб, Ғойибжон Тўйчиев Фарҳод сув электростанцияси қурилишида ҳам санъаткор ўртоқлари Султонали Аҳмедов, Мирзаабдулла Раҳимовларни ёнига олиб, ҳам ҳашарчи, ҳам санъаткор сифатида жонбозлик кўрсатди.

Маълумки, санъат ҳам илоҳий қудрат. Агар кишига табиатан кучли ширадор овоз, тенгсиз қобилият берилмаса, минг "чиранган" билан мақсадга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам киши қайси касбнинг эгаси бўлмасин, жонбозлик кўрсатса, доимо олқишлар қуршовида бўлаверади.

Ғойибжон Тўйчиев фақатгина санъаткорлик йўлида қолиб кетмади. Ота-боболари анъаналарини давом эттириш ниятида 1953 йилда тегирмон қуришга киришди. Катта тегирмонни юргизиб, қишлоқ аҳлига ҳалол ҳизмат қилди, айни пайтда санъатни ҳам унутмади, жуда кўп янги ашулалар яратди. Ўша пайтларда Фарғонада оилавий ансамбллар тузиш, қўшиқчилигимизни кенгроқ ёйиш ҳақида турли хил гаплар юрарди-ю, аммо бу катта ишни бошлашга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди. Ҳофиз эса ўйланиб ҳам ўтирмай, ҳаракатни бошлаб юборди. Унинг жонига мусиқа мактабида муаллим бўлиб ишлайдиган укаси Холиқберди Тўйчиев оро кириб, ансамблнинг ташкилий масалаларини ўз зиммасига олди. Ушбу ижодий жамоа то ҳануз ўз қўшиқлари билан эл хизматига камарбаста. Ҳозирги кунда мазкур жамоа аъзоларининг сони 25 нафардан зиёдроқ. Қизиғи шундаки, уларнинг ҳаммаси бевосита ҳофизнинг қариндош-уруғлари, невара-чевара, ука-сингилларидан иборат.

Ғойиб ота Тўйчиев 1977 йилда "Биз Фарғоналикмиз" деб номланган кўрик-танловда фахрли 1-ўринни олганида, халқимизнинг Саодат Қобулова ва Ориф Алимахсумовдек буюк санъаткорлари: "Фарғона тонг отгунча" ашуласининг ҳақиқий ижроси бундан ортиқ бўлмаса керак," дея ғурур билан гапиришганди. Бу баҳо ҳам ўша пайтда ҳофиз учун билдирилган юксак ишонч васиқаси эди.

Ғойиб ота Тўйчиев санъат тури – метарнинг ҳам жонкуярларидан бири эди. Маълумки, "метар" оилавий дасталардан тубдан фарқ қилиб, унинг ижро этувчи гуруҳи, услуби, дастури ҳам ўзига хос бўлиши керак. Бунда иккита карнай, иккита доира,иккита ноғора керак бўлади. Шунингдек бир дона мис лаган иккита чўпга ўрнатиб олиб чалинади.

Қадимда бу созни ижро этган шахсни "сандиқчи" деб аташган. Лекин ҳозирги даврда бу қадимий санъат турига ёшларни сира жалб қилиб бўлмайди. Улар дарров бундан моддий манфаат қидиришади, "ҳақ" талаб қилишади...

Аммо Ғойиб отанинг оилавий ансамбли ҳамон изланишда. Ансамблнинг энг ёш қатнашчилари Гулнора, Ҳафиза, Нигоралар, айниқса, катта ашулаларни қойилмақом қилиб ижро этиб, кундан-кунга барчанинг кўз ўнгида маҳорат чўққиларини эгаллаб боришмоқда. Ҳофизнинг Жабборали Акбаров, Алиқўзи Жумаев, Хурсанали Қувватовдек содиқ шогирдлари эса, пахта даласидан чиқибоқ, мусиқий машғулотларга ошиқадилар.

Қисқаси, бутун умри оддий халқ орасида ўтган Ғойиб ота Тўйчиев ҳаёт бўлганида 75 баҳорни қаршилаган бўлар эди. Афсуски, бевақт ўлим истеъдодли ҳофизни кутилмаганда орамиздан олиб кетди. Лекин, Ғойиб ота хотираси ҳамиша эл-юрт қалбида. Қолаверса, унга ўз эли, киндик қони тўкилган юрт меҳри олий мукофотдир.

**О.ҲАЙИТОВ**

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 45-миллий лицей томонидан 1995 йили Шаякова Дилдора Мирзахматовна номига берилган № 007680 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**ДТ.75 трактори сотилади.**
**Тел: 116-07-71; 76-06-69.**

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси марказ бош директори ўринбосари Р.Тиллаевга бувиси

**МУҲАРРАМ** аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Кимёқишлоқмаш" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти тақдим этади

**Ўзбекистон ва Италия давлатлари ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган "Сульфатор" пуркагичи**

Пуркагич техника ва полиз экинлари, боғ ва токзорларни зарарли ҳашаротлардан сақлашда уларга кимёвий препаратлар билан ишлов беришга мослашган. Заҳарли химикатларни кукунли ҳолда пуркаш ҳам мумкин. У энг қулай ва замонавий ускуна ҳисобланади.



**Мухтарам фермерлар, хўжалик ва ташкилот раҳбарлари! "Кимёқишлоқмаш" агрегатларидан фойдаланинг! Арзон нархлар, сифатли ускуналар!**



**Вентиляторли ОВХ - 600 пуркагичи**

**Пуркагич пахта майдонларини дефолиация қилишга мослашган.**

Ундан йўл четларидаги ўт-ўланларни, бутазор ва дарахтларни дорилашда ҳам фойдаланилади. ОВХ-600 агрегати МТЗ-80Х, Т-28Х4М, ТТЗ-100К11 тракторларига тақиб ишлатилади. ОВХ-600 агрегатининг бак сиғими 630 литр.

Ташриф буюринг ёки қўнғироқ қилинг: Тошкент ш., Т.Шевченко кўчаси, 54. Тел. 56-58-37, Факс: 55-68-11

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Туроб ХОЛТОЕВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Икромхон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

МУАССИСЛАР: *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзпахтасаноатсотиш", "Ўзбекипаги", Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси*

Телефонлар: Қабулхона - 133-09-93 - 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, котибият — 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар — 136-56-30.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-519-58; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-33-553-59; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган, Фарғона - 8-369-22-652-10; Самарқанд - 8-366-64-615-37; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Тошкент, Сирдарё - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-640-80; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.

Навбатчи: Р.ЖАББОРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2000 йил 8 августда №00006-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. | Буюртма Г— 2008, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.00 | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди | 1 2 3 3 4 6.